Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 14 январь, № 9 (7789) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 январь куни машинасозлик тармоғини трансформация қилиш ва соҳада рақобатни ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мазкур тармоқ мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи йўналишларидан бўлиб, саноатдаги улуши 11 фоизни ташкил қилади. Шу билан бирга, ҳисоб-китобларга кўра ушбу соҳада ишлаб чиқаришни бир неча баробар ошириш имконияти бор.

Бугунги кунда бир қатор компаниялар Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва инвестициялар олиб кириш истагини билдирмоқда.

Шу боис давлатимиз раҳбари локализация даражасидан келиб чиқиб, ишлаб чиқарувчилар учун бир хил шароитлар жорий этиш бўйича кўрсатма берди. Бунда автомобилларни саноат усулида йиғиш, йилига 50 — 60 мингта ҳамёнбоп автомашина ва электромобиллар ишлаб чиқаришга инвестиция киритиш зарурлиги таъкидланди.

Жорий йилда Хоразмда кузов деталларини тайёрлаш корхонаси, Андижонда 4 та, Навоий вилоятида 2 та маҳаллийлаштириш лойиҳалари ишга туширилади. Кооперация платформаси доирасида 122 та хусусий корхона иштирокида яна 80 та детал ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилади.

Мамлакатимизда барча давлат корхоналарини ислоҳ қилиш дастури амалга оширилмоқда. Йиғилишда шу масалага эътибор қаратилиб, хорижий мутахассислар иштирокида "Ўзавтосаноат" фаолиятини трансформация қилиш офисини ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Ушбу жараёнларда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги етакчи бўлиб ишларни мувофиқлаштиради.

1 июлга қадар тармоқ таркибидаги 40 та корхонани трансформация қилиш бошланади. Тармоқда рақобат муҳитини ривожлантириш учун компания таркибидаги эҳтиёт ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқарадиган 23 та корхонани хусусийлаштиришга тайёрлаш лозимлиги қайд этилди. "Ўзавтосаноат"нинг асосий фаолиятига боғлиқ бўлмаган 14 та ташкилотдаги улушларини сотувга чиқариш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ислоҳ қилиш масаласи ҳам атрофлича муҳокама этилди. Тармоқда иқтисодий самарадорликни ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича вазифалар белгиланди.

Мутасаддиларга корхоналарнинг бўш ер майдонларини оптималлаштириш, техникалар таннархини 30 фоизгача тушириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ҳамёнбоп техникалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, шу йил якунигача уларнинг локализациясини 30 фоизга, келгуси йилда эса камида 45 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда белгиланган вазифалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!

Куролли Кучларимиз фахрийлари!

Муҳтарам ватандошлар!

Аввало, сиз азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қутлуғ айём том маънодаги умумхалқ байрамига, азалдан халқимизга хос бўлган ватанпарварлик, мардлик ва жасурлик каби юксак фазилатлар тимсолига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Таъкидлаш керакки, **миллий армиямизнинг куч-қудрати азму шижоатли ва ҳар ишда етук салоҳиятли ҳарбий хизматчиларимизнинг, бағрикенг ва олижаноб халқимизнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлигидадир**. Бу ҳақиқатни бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис этмоқдамиз.

Ишончим комилки, ана шундай буюк маънавий қудрат манбаи бор экан, эл-юртимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти, Ватанимиз мустақиллигига ҳеч қандай ёвуз куч рахна сололмайди, демократик ислоҳотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортга қайтара олмайди.

Биз баҳодир ва довюрак ҳарбийларимиз билан — ўзининг муқаддас қасамёдига содиқ қолиб, хизмат бурчини ерда ҳам, кўкда ҳам шараф ила адо этаётган юртимизнинг забардаст ўғлонлари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган қўрқмас ва ҳақиқий ватанпарвар аскар ва офицерларнинг **ота-оналарига**, шунингдек, ҳарбий ҳаётнинг бутун қувонч ва ташвишларини турмуш ўртоқлари билан баҳам кўриб келаётган меҳрибон ва сабр тоқатли **рафиқаларига** улкан миннатдорлик билдираман.

Биз сизларнинг тимсолингизда миллий армиямизга тоғдек таянч бўлиб турган буюк маънавий кучни кўрамиз. Бугунги улуғ айёмда сизларнинг ҳам Ватанимизнинг мудофаа қудратини оширишда муносиб ҳиссангиз борлигини яна бир бор катта мамнуният билан эътироф этамиз.

Қадрли дўстлар!

Биз бундан тўрт йил олдин Ўзбекистонда ҳарбий қурилиш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича энг муҳим ва устувор йўналишларни белгилаб олган эдик. Шу асосда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантириш учун кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдамиз.

Ўтган қисқа даврда янги Мудофаа доктринаси қабул қилинди, ҳарбий тузилмаларнинг таркиби ва вазифалари чуқур қайта кўриб чиқилди, қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди, миллий армиямизни замонавий қуроллар ва техника воситалари билан таъминлаш бўйича ўта муҳим лойиҳалар амалга оширилди.

Тарихимизда биринчи марта ўз моҳиятига кўра ноёб тизим — ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бундай иш усули жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга фаол жалб этиш учун имкон берди. **Энг муҳими, "Армия ва халқ — бир тану бир жондир"** деган улуғ ғояни амалда таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз натижасида бугунги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучлари республикамиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишнинг чинакам кафолати бўлмоқда.

Энг асосийси, миллий армиямиз ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга қарши муносиб зарба бера оладиган эл-юрт таянчи ва суянчига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик ва садоқат руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланди.

Албатта, ўтган 2020 йил жаҳондаги барча давлатлар қатори мамлакатимиз учун ҳам жиддий синовлар йили бўлди. Биз коронавирус пандемиясининг таҳдидига, шунингдек, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида кутилмаган табиий ва техноген офатларга дуч келдик.

Ана шундай ғоят кескин шароитда Қуролли Кучларимиз соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг **"Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ — чин вазифангиздур"**, деган эзгу даъватини ўзига шиор қилиб олди.

Улар халқимизга янада яқин бўлиб, сафарбарликни ошириб, қисқа муддатларда ўз олдига қўйилган муҳим вазифаларни муносиб адо этганини барчамиз чексиз миннатдорлик билан қайд этамиз.

Айниқса, бу жараёнда ҳарбий шифокор ва хизматчиларимиз, ҳуқуқ-тартибот органлари ва қутқарув хизмати ходимлари ҳақиқий мардлик ва жасорат намунасини, юқори касбий маҳоратни намоён этганлари алоҳида таҳсин ва эътирофга сазовордир.

Бундай мураккаб вазиятда Қуролли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академиясининг ташкил этилгани аҳоли саломатлиги ва ҳаётини муҳофаза қилиш борасида олдимизга қўйилган долзарб вазифаларни тезкор ва самарали ҳал этиш имконини беради.

Минтақамизда ягона бўлган ушбу янги академия ҳарбий тиббиёт соҳасида, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда иштирок этадиган юқори малакали ва ихтисослашган кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Академияда жаҳон андозаларига мос инновацион ишланмалар ҳамда илғор технологияларга асосланган ўқув-лаборатория хоналари ва энг замонавий моддий-техник база яратилмоқда.

Миллий армиямизнинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги, ҳарбий қудрати ва салоҳиятини янада ошириш имконини берди.

Паҳлавон ва ботир ўғлонларимиз халқаро ҳарбий-ўқув машғулотлари, армия ва спорт мусобақаларида дунёдаги етакчи мамлакатларнинг ҳарбий хизматчиларига асло бўш келмасдан, ғалабага бўлган иродасини яққол намойиш этиб, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари эканини исботламоқдалар.

Муҳтарам ватандошлар!

Биз глобал иқтисодий инқироз таъсирига қарамасдан, ҳарбий хизматчиларимиз ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳарбий шаҳарчаларни ободонлаштириш, уларда замонавий инфратузилмалар барпо этиш бўйича тизимли ишларимизни изчил давом эттиряпмиз.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари учун қўшимча равишда кўплаб янги иш ўринлари яратилди. 3 мингдан зиёд ҳарбий пенсионерлар ишга жойлаштирилди. Ҳарбий хизматчиларнинг мингдан ортиқ фарзандларига олий ўқув юртларида таълим олишлари учун давлат грантлари ажратилди.

Ҳеч шубҳасиз, **Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили**да бу борадаги ишларимизни янада кучайтириб, мутлақо янги босқичга кўтарамиз.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон ёшлари форумида, Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномамизда ҳам ушбу йўналишдаги чоратадбирларни аниқ белгилаб бердик.

Янги Ўзбекистонда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий соғлом, Она Ватанга фидойи ва жонқуяр инсонлар бўлиб улғайиши, шонли тарихимиздан ибрат олиб, ундан фахрланиб яшаши учун барча куч ва имкониятимизни тўлиқ сафарбар этамиз.

Жаҳонда мафкуравий курашлар кескин тус олаётган, ахборот маконида турли хавф-хатар ва таҳдидлар тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда барчамиз доимий огоҳ ва сезгир, фаол фуқаролик позициясига эга бўлишимиз керак.

Айниқса, адашиб, ёт ғоялар таъсирига тушган шахслар ва уларнинг фарзандларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва уларни соғлом турмуш тарзига, тўғри йўлга қайтаришда ҳарбий хизматчиларимиз давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ишларни янада кучайтириши лозим.

Ҳурматли мард ва жасур Ватан ҳимоячилари!

Бугун дунёнинг олис ва яқин минтақаларида мураккаб можаро ва тўқнашувлар давом этаётган бир пайтда жонажон Ўзбекистонимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларимизни янада самарали ташкил этишимиз шарт.

Хусусан, мудофаа қобилиятимизни мустаҳкамлаш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлаш, бўлинмаларни бошқаришда ахборот технологияларини кенг қўллаш, жанговар тайёргарлик ва касбий маҳоратни ошириш бундан кейин ҳам устувор вазифаларимиз бўлиб қолади.

Ҳеч шубҳасиз, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан ана шундай эзгу мақсад ва марраларга эришишга, халқимизнинг тинч меҳнати, осойишта ҳаётини, юртимизнинг мусаффо осмонини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ҳар томонлама қодирмиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан сиз азизларни ва оила аъзоларингизни яна бир бор чин юракдан табриклайман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва саодат, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда улкан зафарлар тилайман.

Халқимизнинг юксак ишончи ва ҳурмат-эҳтироми сизларга ҳамиша ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ КЕЛГУСИ ТАРАҚҚИЁТИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ТАШАББУСЛАР

Давлатимиз раҳбари парламентга Мурожаатномасида 2020 йилда амалга оширилган ишларга тўхталиб, жорий йилда олдимизда турган устувор вазифаларни белгилаб берди.

Муносабат

Ўтган йил бутун инсоният учун оғир кечди. Шундай бўлса-да, мамлакатимизда олиб борилган халқпарвар сиёсат, ижтимоий ҳимояга берилган катта эътибор туфайли осойишта ҳаёт, барқарор иқтисодий ривожланиш давом этаётир.

Албатта, бундай ижобий натижаларга эришишда Президентимиз томонидан қабул қилинган аниқ мақсад ва вазифаларни ўзида жамлаган кўплаб Фармон ва қарорлар муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжатлар халқимизнинг обод турмушини таъминлаш ҳамда уларга қулай шарт-шароит яратиш, иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш, аҳоли даромадларини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, таълим, тиббиёт, спорт, маданият, умуман, барча соҳани янада такомиллаштиришга муҳим асос бўлди.

Шу маънода, янги Ўзбекистон қиёфасида янги Қорақалпоғистон шакланмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Бунга ёрқин мисол сифатида Президентимизнинг алоҳида эътибори ва ташаббуси билан Оролбўйидаги яшаш шароити оғир бўлган Мўйноқ туманида атиги икки йилда амалга оширилган ишларни келтириб ўтиш кифоя. Хусусан, туманда 20 та кўп қаватли уй-жойлар қурилди, 100 километр масофадан ичимлик суви олиб келинди. Кўплаб корхоналар, ижтимоий объектлар ишга туширилди ва янгиларини барпо этиш давом этмоқда. "Мўйноқ" аэропорти янги лойиҳа асосида қайтадан қурилди.

Президентимизнинг 2019 йилда Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида элнинг яна бир орзуси ушалиб, Бўзотов туманига асос солинди. У нафақат ташкил этилди, балки бир йил ичида бутунлай ўзгача кўринишда намоён бўлди. Замонавий иморатлар, спорт иншоотлари, равон йўллар — Бўзотов халқи учун ҳақиқий туҳфа бўлди. Шунингдек, энг олис ва чекка Тахтакўпир туманида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, ҳудуд янги қиёфа касб этди.

Марказий Осиёдаги глобал даражадаги муаммо — Орол денгизи қуришининг оқибатлари эканлиги ҳеч биримизга сир эмас. Нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун минтақанинг ғам-ташвишини ўзи учун бегона санамайдиган Президентимиз дунё ҳамжамияти эътиборини такрор ва такрор ушбу масалага қаратиб келаётганлиги эса глобал ҳалокатнинг нақадар долзарблигини кўрсатиб турибди.

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг мудофаа қудрати ва ҳарбий-техник салоҳиятини юксалтириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, профессионал миллий армияни шакллантириш ва нуфузини оширишдаги катта хизматлари, жамиятда тинчлик-осойишталик ҳамда жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги самарали меҳнати, шарафли ва муқаддас бурчни бажаришда мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани, ёшларни ватанпарварлик ва она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, юқори маҳоратга эга кадрларни тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Бурхонов Ахмад Жамолович — Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари — Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони

II даражали «Шон-шараф» ордени билан

Абдуллаев Бекмурод Тожимирзаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг биринчи ўринбосари

Бабалиев Ғафур Ганиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья командири

Гиясов Фаррух Камалитдинович — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Иминов Зайнобиддин Рўзиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондони

«Дўстлик» ордени билан

Каримов Жамшид Жалилович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари

Ким Евгений Владимирович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бўлим бошлиғи

Султанов Баҳодиржон Тухтабоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

«Мардлик» ордени билан

Давлатов Фарходжон Комилович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Исмоилов Мансурбек Баҳодирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонининг ўринбосари

Эсанов Тўлқин Абдурахманович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

(Давоми 2-бетда).

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

БАРЧАМИЗ БИРГАЛИКДА ЮРТИМИЗНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДЕК АСРАЙМИЗ...

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Қуролли Кучлар ва ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятининг 2020 йил якунлари ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Ватанимизни муносиб ҳимоя қила оладиган ҳамда киндик қони тўкилган юртни жон-дили билан севувчи, унинг ривожи ва мудофааси учун борлиғини бағишлашга тайёр авлодни тарбиялаш масаласига катта эътибор қаратди. Қуйида мутасаддиларнинг шу хусусдаги фикрлари билан танишасиз.

Видеолавҳада кўринг

Ҳамдам ҚАРШИЕВ,
мудофаа вазири ўринбосари, полковник:

— Президентимиз томонидан ҳарбий илм-фанни ривожлантириш, ҳарбий илмий мактабларни яратиш бўйича топшириқлар берилди. Айтилганидек, бугун "Темурбеклар мактаблари"да ҳамма шарт-шароит яратилган, хусусан, ёруғ синфхоналар, спорт мажмуалари ва бошқа қулайликлар мавжуд. Аммо уларда Амир Темур шижоати, Жалолиддин Мангуберди руҳи етишмаётгани алоҳида айтилди.

Ҳар бир ҳарбий округда Амир Темур ва Жалолиддин Мангуберди синфларини очиш топшириғи ҳам берилди. Шу асосда ҳарбий округларда шундай синфлар ташкил этамиз. Уларда ҳар икки саркардамизнинг ҳарбий тактикасини ўргатишга йўналтирилган қўлланмалар бўлади. Амир Темурнинг жанг санъати ҳақида дарслик яратиш бўйича ҳам келишиб олинди.

Ҳарбий кадрларни хорижий давлатларга ўқишга жўнатиш борасидаги ишимиз танқидий баҳоланди. Эндиликда бунга қаратилган аниқ бир тизим ишлаб чиқамиз ва шундан сўнг хорижга борадиган ҳарбий хизматчиларга ўша давлат тилини билишлиги ва билим даражасига қаралади ҳамда қайтиб келгандан кейин қайси йўналиш бўйича ишлаши аниқ белгилаб олинади.

Берилган топшириқларни бажариш учун барча имкониятга эгамиз.

2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2021 йил 14 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Жасорат» медали билан

Болтаев Бунёд Пўлотович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи секция командири

Гайбуллаев Алимардон Умуркулович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм батальон командири

Ишмуратов Шамсиддин Коржовович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

Каримов Жамшидбек Олимбаевич — Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси «Сариосиё» чегара божхона пости катта инспектори

Қодиралиев Улуғбек Маннопали ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Мухаммадиев Рустам Идрисович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

Нарзиев Бобур Норқузи ўғли — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий қисм взвод командири

Норматов Фарух Кахрамонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командирининг ўринбосари

Нуруллаев Улуғбек Суннатилло ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ катта мутахассиси

Рашидов Жасур Худойқулович — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Ўзбектемирйўлэкспедиция» унитар корхонаси тасарруфидаги «Sogdiana trans» шўъба корхонаси ҳайдовчиси

Эшонқулов Сохиб Шайимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Янгибоев Хусниддин Имомқулович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси инспектори

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Абдурахманов Отабек Джурабаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Таъминот департаменти бошлиғи

Абдурахманова Нодира Мирзахитовна — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий девони бўлим бошлиғи

Абдурахмонов Акмалжон Имамалиевич — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси катта терговчиси

Айхунбаев Йўлчи Лапасович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сирдарё вилояти бошқармаси ёнғин-қутқарув отряди гуруҳ қутқарувчи-ғаввоси

Акбаров Мирхаким Гуламназирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси алоҳида батальони гуруҳ сафдор ходими

Акбаров Хизирали Умаралиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг биринчи ўринбосари

Джалилов Акмал Саттарович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси 2-жазони ижро этиш колонияси бошлиғи

Дусниязов Бахтияр Зарипович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури бўйича тайёрлаш маркази бошлиғи

Ёқубов Улуғбек Адхамович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳарбийлаштирилган тузилмалар фаолиятини молиявий ва моддий-техник таъминлаш бўлими бош мутахассиси

Жалолов Аслиддин Мухиддинович — Жиззах вилояти Мирзачўл тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

Зулфикоров Бахром Билолидинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти бошлиғи

Изатуллаев Акрамжон Шукруллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси департаменти бошқарма бош мутахассиси

Казимов Эркин Исраилович — Самарқанд шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори

Мамадалиев Улуғбек Одилович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Мамажонов Фахриддин Мухторович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси алоҳида батальон командири

Маманазаров Фаррух Пирназарович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бошқарув аппарати хизмат бошлиғи

Мамаюсупов Муроджон Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий девони бошқарма бошлиғи

Марасулов Аброр Амонидинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ катта механиги

Мирзаев Нуриддин Хамидулаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Муратов Руслан Ихласович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент вилояти бўйича портловчи ускуналарни зарарсизлантириш махсус отряди бош мутахассиси

Наймов Азиз Убайдуллоевич — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги маркази ёнғин-қутқарув қисми йўриқчи-қутқарувчиси

Насматов Бахтияр Умарович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармаси ёнғин-қутқарув отряди гуруҳ қутқарувчи-ғаввоси

Одилов Фаррух Ҳаётович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм дивизиони катта техниги

Ортиков Фарходжон Набижонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти бошлиғи

Пирназаров Роман Аралович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси кафедра ўқитувчиси

Раимов Элмурад Телманович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси алоҳида батальони командирининг ўринбосари

Сабиров Акбар Ходжиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи

Сатторов Валижон Бозорбоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Сафаев Юсупбай Хужабаевич — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири

Тажиев Жанибек Адамбаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти лабораторияси катта илмий ходими

Ташбеков Самар Расулович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ихтисослаштирилган ўқув маркази цикл бошлиғи

Улмасова Шахноза Рахматджановна — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Марказий ҳарбий госпитали шифокори

Хаитов Бахтиёр Омонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Халмухамедов Дониёр Заирович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлар муаммолари илмий-тадқиқот институти бошлиғининг ўринбосари

Хасанов Дилшод Закирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи

Хидиров Шаҳриддин Эргашович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

Холматов Хабибулла Хамидуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедра доценти

Хуррамов Жамшид Ахрорович — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти кафедра бошлиғи

Чориев Мироли Бахтиярович — Навоий вилояти божхона бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Шарипов Феруз Наимович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий қисм командири

Шокиров Умиджон Шарибжонович — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси

Шорустамбоев Умид Мухаммаджон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси бўлим бошлиғи

Эргашев Рустам Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

Эрдонов Фахриддин Тўрақулович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий қисм гуруҳ командири

Эрматов Хусан Абдуманапович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий сафарбарлик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Юлдашев Мансур Махмуджонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Юнусов Улугбек Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти кафедра бошлиғининг ўринбосари

«Соғлом турмуш» медали билан

Ибрагимов Зафаржон Амриллоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бош трансфузиологи

Касимова Гулчехра Мирвалиевна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали терапевт шифокори

Маткурбанов Сардор Балтабаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ Нукус ҳарбий госпитали бошлиғи

Нарзиев Шухрат Каримович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ Самарқанд ҳарбий госпитали бўлинма бошлиғи

Холмаматова Лариса Хакбердиевна — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали шифокори

Юлдашев Абдуғани Хошимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тиббий таъминот бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

«Шуҳрат» медали билан

Ахмедов Фарход Хабибуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

Бахрамов Бахтиёр Акрамович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ёнғин-қутқарув қисми йўриқчи-қутқарувчиси

Боротов Рустам Ботирович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бошқарма штаби бошлиғининг ўринбосари

Буриев Алберт Алиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Ёшузоқов Эркабой Эргашбоевич — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Жиззах вилояти Мирзачўл тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ёнғин-қутқарув қисми қутқарувчи-ҳайдовчиси

Жалилов Рафиқжон Кулдашевич — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи

Журакулов Лазизжон Ҳасан ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

Ибрагимов Шерзод Эгамбердиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Каримов Алишер Амир ўғли — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий қисм взвод командирининг ёрдамчиси

Кенжаев Шокиржон Хусанович — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлинма командири

Курбанов Марат Юсуфович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий қисм взвод назоратчиси

Мадаминов Бахтиёр Алимбоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командирининг ўринбосари

Маматов Уткирджон Актамович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Махсус авария тиклаш бошқармаси бўлим бошлиғи

Мингбаев Адҳамжон Олимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси алоҳида батальони гуруҳ сафдор ходими

Мухаммедов Уктам Холмаматович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Нарзиллоев Бахтиёр Каримбоевич — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Бухоро вилояти бошқармаси қутқарув отряди гуруҳ қутқарувчиси

Никитин Дмитрий Юрьевич — Тошкент шаҳар божхона бошқармаси «Тошкент товар» ташқи иқтисодий фаолият божхона пости гуруҳ инспектори

Останаев Исломжон Мамараим ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряди гуруҳ мутахассиси

Охунов Сардорбек Хамидиллоевич — Наманган ҳарбий прокуроринг ёрдамчиси

Раҳимов Умарқул Мардонович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Навоий вилояти Нурота тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ёнғин-қутқарув қисми техниги

Саидов Ёркинжон Хасанович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ёнғин-қутқарув қисми смена бошлиғи

Сайимбетов Ринат Жаксиликович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

Тожимаматов Шоятбек Абдирахмонович — Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ички ишлар бўлими бўлинма бошлиғи

Халилов Шавкатбек Андижанбоевич — Андижон вилояти божхона бошқармаси «Дўстлик» чегара божхона пости бош инспектори

Холиков Мухаммаджон Абдумухторович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги махсус қидирув ёнғин-қутқарув бошқармаси гуруҳ фельдшери

Эргашев Асқар Тураевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Нукус» халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш бўйича алоҳида батальони назоратчиси

Эшов Анвар Турдиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм техниги

Юлдашев Голибжон Комилжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ техник назоратчиси

Юсупов Алимардон Убайдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 12 январь

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ КЕЛГУСИ ТАРАҚҚИЁТИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ТАШАББУСЛАР

1 Хусусан, 2017 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясидаги нутқида илгари сурилган ташаббус асосида, БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди ташкил этилган эди. Ҳозиргача ушбу фондга 26 миллион доллар ажратилган бўлса, келгуси икки йилда яна 250 миллион доллар жалб этилади. Ушбу маблағлар ичимлик суви, аҳоли саломатлиги ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик, экология, ирригация-мелиорация тизимларини яхшилаш лойиҳаларига йўналтирилади.

Орол денгизининг суви қуриган тубида "Яшил қопламалар" — ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш мақсадида 1 миллион 167 минг гектар майдонда саксовул ва чўлга чидамли бошқа ўсимликлар экилди. Бу ишлар ҳозирда ҳам қизғин давом этмоқда ва жорий йилда 450 минг гектар майдонда экиш ишлари олиб борилади.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 23 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг видеоконференция тарзида ўтказилган сессиясидаги нутқида эса Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш бўйича ташаббус билан чиқди. Орол муаммоси борасидаги ишларнинг мантиқий давоми сифатида, Олий Мажлис Сенатида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича доимий ишловчи қўмита ташкил этилди.

Албатта, ушбу саъй-ҳаракатларнинг барчаси Оролбўйи минтақаси равнақи ва унинг аҳолиси ҳаётини яхшилаш, шу жумладан, фуқароларимизнинг соғлиғини асраш, бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш имкониятларини яратмоқда.

Ўз навбатида, бундай кенг кўламли амалий чора-тадбирлар халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаб, уларни беқиёс яратувчанлик ишларига руҳлантирмоқда.

2021 йил мамлакатимизда "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб эълон қилинишини барча мамнуният билан қарши олди.

Ҳақиқатан ҳам, зиммамиздаги катта марра ва вазифаларга эришишда биз бугун ёшларга таянамиз ва ишонамиз. Билимли, кучли, иқтидорли авлод ҳар қандай муваффақиятларни забт этишга қодир бўлади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, янги Ўзбекистонни илмли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргаликда барпо этамиз. Демак, ўғил-қизларимиз учун қулай шароитларни яратиш олдимиздаги устувор вазифалардан.

Қорақалпоғистон Республикасининг географик хусусиятига кўра, аҳоли пунктлари олис ва чекка ҳудудларда жойлашган. Ушбу манзиллардаги таълим муассасаларини педагог кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳозирги кунга қадар муаммо бўлиб келаётган эди. Шу боис чекка ҳудудларда мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади.

Мурожаатномада айнан бошқа тумандаги олис мактабга бориб, дарс берадиган ўқитувчилар ойлигига 50 фоиз, бошқа вилоятга бориб ишлаганлар учун 100 фоиз устама ҳақ тўланиши белгилаб берилганлиги ижобий ютуқларга замин яратади.

Бундан ташқари, бу йил Қорақалпоғистонда 29 та мактабни қуриш-таъмирлаш ва моддий-техника базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилади, кимёбиология, математика, ахборот технологияларига ихтисослаштирилган 15 та мактаб ўз фаолиятини бошлайди.

Нукус шаҳрида 16 қаватли IT-парк фойдаланишга топширилади. Бу ерда ёшларнинг стартап лойиҳалари амалга оширилади, ахборот-коммуникация технологиялари музейи, кўргазма ва ўқиш хоналари ташкил этилади ҳамда мингдан зиёд ўғил-қизларнинг бандлиги таъминланади.

Ўтган йили олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёрдамга муҳтож оилаларнинг 253 нафар фарзандига 1,5 миллиард сўмлик бир йиллик шартнома тўловлари тўлаб берилди. Жорий йилда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қорақалпоқ халқининг бетакрор шоирлари Бердақ ҳамда Ибройим Юсупов номидаги давлат стипендиялари таъсис этилади.

2020 йилни тиббиёт соҳасида ҳам туб бурилиш йили бўлди, деб айтиш мумкин. Чунки шу вақтгача биз асосий эътиборни касалликларни даволашга қаратган бўлсак, эндиликда Президент ташаббуси билан унинг олдини олиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, хотин-қизларнинг саломатлигини сақлаш орқали келгусида соғлом авлодни шакллантирган, бутун халқ саломатлигини таъминлаган бўламиз. Шу мақсадда жорий йилдан бошлаб 15 ёшгача бўлган болаларга, ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситалари бепул берилади. Аҳоли ўртасида камқонлик 25 фоизга камайтирилади.

Шунингдек, тиббий хизматлар кўрсатишда бирламчи бўғин қамровини кенгайтириш мақсадида келгуси уч йилда 28 та оилавий шифокор пункти ва учта оилавий поликлиника ишга туширилади. "Қишлоқ шифокори" дастури доирасида олис ҳудудларда иш бошлайдиган 20 дан ортиқ врачларга 30 миллион сўмдан ёрдам пули берилади ҳамда улар хизмат уйлари билан таъминланади.

Жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш баробарида, аҳоли саломатлигини таъминлаш чоралари кўрилади. Хусусан, 4 та спорт иншоотини реконструкция қилиб, 16 та спорт тўгараги йўлга қўйилади. Шаҳар ва туман марказлари ҳамда маҳаллаларда "Workout" ва "Streetball" майдончалари ташкил этилади. Спортнинг армрестлинг, қўл жанги, бадминтон, қиличбозлик, байдарка ва каноэда эшкак эшиш турлари бўйича ҳамда "Мега спорт", "Отам, онам ва мен — спортчи оиламиз" спорт мусобақалари ўтказилади.

Мурожаатномада белгилаб берилган вазифалар асосида жорий йилда "темир дафтар", "ёшлар дафтари", "аёллар дафтари"га киритилган эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳисобига камбағалликни қисқартириш масаласи раҳбарларнинг биринчи даражали вазифаси бўлади.

Айтиш жоизки, янги йилни маҳалла раислари билан мулоқот қилишдан бошладик ҳамда ҳар бир маҳалла ва овулларга масъул раҳбарлардан иборат ишчи гуруҳ бириктирилиб, мавжуд муаммоларни жойида ҳал этиш бўйича янги тизим яратилмоқда.

Қорақалпоғистонни ҳар томонлама ривожлантириш учун Президентимизнинг ўтган йил 11 ноябрдаги "2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори тарихий ҳужжат бўлди. Мазкур қарор билан халқнинг ҳаётини яхшилаш ҳамда барча шаҳар ва туманларни, соҳаларни жадал ривожлантиришга хизмат қиладиган, келгуси уч йилга мўлжалланган, 21,2 триллион сўмлик 2 минг 788 та лойиҳани ўз ичига қамраб олган дастур белгилаб олинди.

Қорақалпоғистонликлар ушбу муҳим ҳужжат бўйича амалга ошириладиган вазифалардан руҳланиб турган бир пайтда давлатимиз раҳбари 2020 йил 5 декабрь куни яна бир муҳим ҳужжат — "Қорақалпоғистон Республикасида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорга имзо чекди.

Бу ҳам Оролбўйида яшовчи бутун халқимиз тақдирига дахлдор бўлган аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга замин яратадиган муҳим ҳужжат бўлди. Айни чоғда деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланувчи кластер ва фермерларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада ошириб, янги марраларга руҳлантирди. Негаки, сув барча ҳудудда ҳам ҳаёт манбаига қиёсланади. Лекин Амударёнинг энг қуйи қисмида жойлашган Қорақалпоғистон учун, таъбир жоиз бўлса, сув — ҳаёт-мамот масаласи.

Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги мавжуд муаммоларни бартараф қилишга, ҳамма соҳани ривожлантиришга қаратилган муҳим қарорлари, ғамхўрликлари қорақалпоғистонликларнинг қаддини кўтарди. Эртанги кунга бўлган ишончини, меҳнат қилишга бўлган шижоатини осмон қадар юксалтирди. Барча бўғиндаги раҳбарлар Президентимизнинг ана шу ишончига ҳамоҳанг тарзда халқни рози қилиш, зиммасига юкланган вазифаларни сидқидилдан бажаришга бор куч ва салоҳиятини сафарбар этяпти.

Қаҳрамон САРИЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси.

БАРЧАМИЗ БИРГАЛИКДА ЮРТИМИЗНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДЕК АСРАЙМИЗ...

1 **Рустам ЖЎРАЕВ,**
Миллий гвардия қўмондони, генерал-майор:

— Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан Қуролли Кучларни ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар берилди. Шу жумладан, Миллий гвардияга мамлакат мудофаси ва фуқаро хавфсизлигини биргаликда таъминлаш бўйича ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда Қуролли Кучлар билан ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Шу билан бирга, ўтган даврда орттирилган катта тажрибага таяниб, жамоат тартибини сақлашда фаол қатнашиш, жиноят содир этилиши сабаб ва омилларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, уларни ҳамкорликда бартараф этиш чораларини кўрамиз.

Криминоген вазият оғир бўлган маҳаллаларда манзилли профилактик тадбирларни изчил амалга ошириш, ҳарбий таълим бобидаги ислоҳотларни давом эттириш, Ҳарбий-техник институт илмий салоҳиятини кўтариш, ўқув жараёни ва амалий машғулотларни такомиллаштириш ҳам олдимизда турган долзарб вазифалардандир. Қолаверса, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркарда аждодларимиз ҳарбий меросидан фойдаланиб, "Темурбеклар мактаби" ўқувчиларини Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги ишларни бугунги кун талаблари даражасида йўлга қўйиш бўйича аниқ вазифалар қўйилдики, бу зиммамиздаги масъулиятни янада ошириши, шубҳасиз.

Эркин СОЛИҲОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси:

— Қайд этиш лозимки, йиғилишда Юртбошимиз томонидан нафақат устувор вазифалар белгиланди, балки уларнинг аниқ ечими ва механизмлари ҳам кўрсатилди. Қуролли Кучларни бошқаришда устувор вазифа сифатида тезкорлик ва координацияни таъминлашга оид масалага ҳам катта эътибор қаратилди. Давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, уларни самарали блоклаш бўйича ҳам тизимли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Бухоро ҳамда Сирдарё вилоятларида рўй берган табиий ва техноген офатларни ҳисобга оладиган бўлсак, ўтган йил ўта синовли кечди. Табиийки, бу масала ҳам тадбирда муҳокама марказида бўлди. Уларнинг оқибатларини бартараф этишда ҳарбийларимиз кўрсатган жасорат ижобий баҳоланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан берилган топшириқларни бажаришда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам фаол иштирок этиши талаб қилинади. Хусусан, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини оширишга қаратилган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашимиз керак. Айни чоғда Мудофаа доктринаси доирасида амалга оширилаётган ишлар, соҳага оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан самарали парламент назоратини олиб боришимиз ҳам бугунги кунда олдимизда турган долзарб масалалардан бири, десак, айни ҳақиқат.

«Халқ сўзи».

Сенаторлар ҳудудларда

ЯНГИ ТАЛАБЛАР АСОСИДА ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ

Шу кунларда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш ҳамда унда белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари ўтказилмоқда. Уларда Сенат аъзолари ҳам иштирок этмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Носирбек Абдуллахонов халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши сессиясида сўзга чиқди.

Сенатор Мурожаатномада белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ўрни муҳимлигига алоҳида урғу берди.

Бундан ташқари, камбағалликни қисқартириш борасида ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатга баҳо бериш, амалга оширилаётган ишлар ижросини назорат қилиш Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий Кенгашлар диққат марказида бўлиши лозимлиги, маҳаллий ижро органлари, вакиллик идоралари ҳамда маҳалланинг институционал асосини янада такомиллаштириш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Сессияда халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашининг котибияти ташкил этилди. Кенгаш котибияти низоми, штатлар жадвали, иш тартиби тасдиқланиб, котибият мудири ҳамда бош мутахассислари тайинланди.

* * *

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Иминов халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши сессиясида қатнашди.

Сессияда Мурожаатномадан келиб чиқадиган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, халқ учун муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш юзасидан чоралар кўриш, ёшлар ва соғлиқни сақлаш масалаларини тараққиётимизнинг янги даврида давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаш вазифалари кўриб чиқилди.

Таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, аҳолини электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш ишларини яхшилаш, "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари" бўйича чора-тадбирлар дастурлари бажарилишига жиддий эътибор қаратиш зарурлиги ҳам айтиб ўтилди.

Маҳаллий Кенгаш депутатларига Мурожаатнома мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш ҳамда шаҳар ҳокимлиги томонидан қабул қилинадиган дастурлар ижросини доимий назоратга олиш тавсия этилди.

* * *

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Баҳодир Тожиев Хоразм вилоятида бўлиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари ва Ёшлар парламенти аъзолари билан учрашди. Унда Президентимизнинг Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалар ижроси муҳокама қилинди.

Сенатор ўз сўзида Мурожаатномада кўтарилган ҳар бир масала, таҳлил қилинган соҳа, белгиланган вазифалар ижроси халқимизнинг фаровон ҳаёт кечиришига хизмат қилишини қайд этди. Ўз навбатида, маҳалла раисларига маҳаллий Кенгашларга масала киритиш ҳуқуқини бериш, тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш каби таклифларнинг нечоғли аҳамиятга эгалигига эътибор қаратилди.

Қабул қилинган ҳужжатлар ижросини таъминлашда жамоатчилик иштироки ва назоратини кенг йўлга қўйиш, жумладан, "жамоатчилик эшитувлари" ҳамда "жамоатчилик мониторинги" тизимини жорий қилиш, бу жараёнга фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларни фаол жалб этиш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, таҳлиллар асосида ижрога халақит бераётган ортиқча вазифа ва функциялар қисқартирилиши, давлат идораларидаги ишлар сифати ҳамда ҳолатини вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида, республика даражасида Вазирлар Маҳкамасида ҳар ойда танқидий муҳокама қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилиши муҳим аҳамиятга эгалиги айтилди.

Сенаторларнинг республикамиз ҳудудлари бўйлаб амалий мулоқотлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

ХОТИРЖАМЛИККА БЕРИЛИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега аксарият ёшларимиз ҳарбий бўлиш ёки ички ишлар идораларида хизмат қилишга интилади? Бунинг бош сабаби униб-ўсиб келаётган ўғлонларимизда киндик қони тўкилган тупроққа муҳаббати кучлилигидан, шу муқаддас заминни ардоқлаши, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини жамиятимиздаги энг муҳим масала сифатида билишидан.

Фикр

Бебаҳо бойлик бўлган тинчликни асраш, бу халқимизнинг улуғ мақсади, тараққиётимиз кафолати, фаровонлик манбаи, умумбашарий ва демократик қадриятларни қарор топтириш ҳамда келгуси авлоднинг баркамол вояга етишининг зарур шарти ҳисобланади.

Ҳарбий бўлишни истаётган ва шу соҳага кириб, хизмат вазифасини ўтаётган кўплаб йигитлар билан суҳбатлашганимизда, Ватан ҳимоячиси бўлиш шарафли бурч эканини бот-бот такрорлашади. Айтмоқчимизки, юртимиздаги тинчлигу хотиржамлик, аҳолининг эмин-эркин ва келажагидан кўнгли тўқ яшаётганининг сабаби ҳам мудофаа қудратимиз, Қуролли Кучларимиз салоҳиятига, мард ва жасур ўғлонларимиз шижоатига ишончи юксаклиги билан чамбарчас боғлиқ.

Президентимизнинг Олий Мажлисга ва шу орқали халқимизга йўллаган Мурожаатномасида яқин ҳамда узоқ минтақаларда кузатилаётган зиддият ва тўқнашувлар шароитида биз юртимизда тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларимизни янада кучайтиришимиз лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Демак, мамлакатимиз тинч, осойишта, ҳаётимиз фаровон, деб хотиржамликка берилишга бизнинг ҳаққимиз йўқ. Ҳозирги вақтда дунёнинг айрим минтақаларида миллатлараро ва динлараро кескинлик кучайиб бораётганини, айирмачилик бош кўтараётгани, энг ачинарлиси, бу иллатлар давлатни емириб, жамиятни парчалаб, радикал гуруҳ ва оқимлар учун мафкура базасига айланаётганини барчамиз оммавий ахборот воситалари орқали кузатиб боряпмиз.

Ана шундай мураккаб вазиятда ҳар биримиз хулоса чиқарган ҳолда, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етишимиз, унинг барқарорлигига ўзимизнинг ҳиссамизни қўшишимиз, биринчи навбатда, ёшларнинг таълим-тарбиясига бефарқ бўлмасдан, навқирон авлод вакилларини эзгу мақсадлар сари сафарбар этишимиз, бу борада барчамиз бирдек масъул бўлишимиз лозим.

Ушбу муҳим ҳужжатдаги Қуролли Кучларимиз қудратини, қўшинларнинг профессионал ҳамда жисмоний салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратилиши ҳақидаги фикрлар ҳарбийларимизни, ота-оналар ва ёшларни мамнун этгани рост.

Давлатимиз томонидан ҳарбий хизматчиларга, Ватан ҳимоячиларига чексиз ғамхўрликлар қилиб келиняпти. Эндиликда бу саъй-ҳаракатлар янада кучайтирилса, Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган зобиту аскарларимизнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшилади, касбига иштиёқи ва меҳри юксалади. Бу, албатта, тинчлик ҳамда юртимиз тараққиёти ва равнақига хизмат қилади.

Биз, депутатлар, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, маҳаллаларда осойишта муҳит яратишда янгича ёндашувларни ташкил этишга кўмаклашишни асосий вазифамиз, деб биламиз. Шу маънода, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боряпмиз. Бу борада ҳарбий хизматчилар, уларнинг оилалари ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда учрашув ва мулоқотлар ташкил этилмоқда. Зеро, шу юрт, шу муқаддас тупроққа садоқатини намоён этиш ҳар бир касб эгасининг шарафли вазифасидир.

Ҳазратқул ХЎЖАМҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони раислигида Қуролли Кучлар ва ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятининг 2020 йил якунларига бағишлаб ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида мамлакат мудофаа қобилиятини янада ошириш, халқимиз хавфсизлиги, тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга қаратилган вазифаларга алоҳида эътибор берган ҳолда, бу борада депутатлар корпуси олдида турган муҳим масалаларга тўхталиб ўтдилар.

Сўзга чиққан депутатлар ёш авлод қалбида миллий руҳ, она Ватанга меҳр ва садоқат, адолат туйғусини ҳар томонлама кучайтириш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади. Бу йўналишдаги ишларни ҳудудларда аҳоли билан мулоқотлар чоғида тарғиб қилишда ташаббускор бўлиш зарурлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, мажлисда ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш, ноширлик фаолиятини қонуний тартибга солиш, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чораларини енгиллаштиришни назарда тутадиган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

МАМЛАКАТ РАВНАҚИ ВА ТИНЧЛИГИ ЙЎЛИДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДОИРАСИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Депутатлар "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда атрофлича кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, бугунги кунда Конституциявий суднинг фаолияти 2017 йил 31 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий Қонун билан тартибга солиб келинмоқда. Аммо Конституциявий судда иш юритишнинг процессуал қоидалари Конституциявий суднинг ўзи томонидан тасдиқланган Регламент билан белгилаб берилган. Аксарият мамлакатларнинг Конституциявий суд тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бундай қоидалар Конституциявий суд томонидан эмас, балки қонун билан белгиланиши назарда тутилган. Чунки иш юритишнинг процессуал қоидалари бевосита инсон ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ ва шунинг учун ҳам улар қонун билан белгиланиши лозим.

Шунингдек, Конституциявий суд ишларини юритиш амалиётининг таҳлили мамлакатимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳал этилиши лозим бўлган яна бир қатор долзарб муаммолар ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тақозо этиладиган масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Қонун лойиҳасида фуқаролар ва юридик шахсларга, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга Конституциявий судга мурожаат этиш ҳуқуқи берилиб, унга мурожаат қилувчи субъектлар доираси кенгайтирилмоқда.

Қонун лойиҳасида Конституциявий суд ваколатлари, унинг мақоми, Конституциявий суд ишларини юритиш, унга мурожаат этиш ва мурожаатни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ҳамда ўрганиш, Конституциявий суд муҳокамаси, муддатлари, Конституциявий суд қарорларининг ижроси масалалари аниқ қилиб белгиланмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Конституциявий суд фаолиятини яхшилаш, мамлакатимизда фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ҳимояси, конституциявий қонунийликни мустаҳкамлаш, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

ИЖТИМОИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҚАНДАЙ ОМИЛЛАРГА БОҒЛИҚ?

Бугунги кунда ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал этишда янги ёндашувларни татбиқ қилиш, халқаро тажрибада кенг қўлланиладиган усулларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда миллий бозордаги иқтисодий фаол иштирокчилар ролини мустаҳкамлашга асосланган воситалардан бири — ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш долзарб саналади.

Мажлисда депутатлар "Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ана шу нуқтаи назардан атрофлича кўриб чиқдилар.

Қонун лойиҳаси юзасидан адлия вазири Р. Давлетов маъруза қилди.

Қайд этилганидек, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари учун иш ўринлари яратган, ногиронлиги бўлган шахслар учун маҳсулот ва асбобускуналар ишлаб чиқарадиган корхоналарга солиқ ҳамда бошқа турдаги имтиёзлар белгиланган. Бироқ ижтимоий тадбиркорликнинг ҳуқуқий тушунчаси ва унга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари аниқ назарда тутилмаган.

Қонун ташаббускори субъекти вакилининг таъкидлашича, лойиҳани ишлаб чиқишда амалдаги қонунчиликда белгиланган ўз ресурсларини ижтимоий соҳага йўналтирган корхоналарни аниқлаш мезонлари, ижтимоий соҳага инвестиция жалб қилганлик учун тақдим этиладиган имтиёз ва преференциялар ҳисобга олинган. Шунингдек, ижтимоий корхонани аниқлаш мезонларининг ҳамда ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги шакллари ифодаланган.

Қонун лойиҳасида асосий қоидалар билан бирга, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига мансуб шахслар белгилаб қўйилмоқда. Ижтимоий тадбиркорлик соҳасидаги ваколатли давлат органи сифатида эса Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги назарда тутиляпти.

Шунингдек, лойиҳада белгиланаётган тегишли мезонлардан бирига ёки бир нечтасига мос келганда, тадбиркорлик субъектлари ёки нотижорат ташкилотлар ижтимоий корхоналарнинг реестрига ижтимоий корхона сифатида кириши тартиби жорий қилинмоқда. Бунда, тегишли мезонларга мос келиш билан бирга, ижтимоий корхоналар реестрига киритилган ташкилот, ўтган молия йилида олинган фойданинг камида учдан икки қисмини кейинги молия йили давомида ижтимоий корхона фаолиятига ёки ижтимоий лойиҳаларга реинвестиция учун йўналтириши талаб этилади.

Депутатларнинг қайд этишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда ижтимоий тадбиркорлик фаолияти ва ижтимоий корхоналар ишини рағбатлантиришга хизмат қилади. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларини иш билан таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантиришга инвестиция киритиш, миллий бозорни янги ижтимоий хизматлар ва арзон товарлар билан тўлдириш учун қўшимча шарт-шароит яратади.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ СОҲАСИДА МУҲИМ АСОС

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан транспорт вазири вазифасини бажарувчи И. Маҳкамов чиқиш қилди.

Депутатлар дастлаб қонун лойиҳасини қабул қилиш заруратига эътибор қаратдилар.

Таъкидлаб ўтилганидек, қонун лойиҳасининг асосий мақсади Транспорт вазирлиги ва ушбу вазирлик ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги ваколатларини аниқ белгилаш, экспериментал ҳаво кемаларини ҳисобга олиш тартибини ўрнатиш бўйича ваколатли органни аниқлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонлари ижросини таъминлашга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига, хусусан, Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш белгиланмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаро авиацияси соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Зеро, лойиҳа экспериментал ҳаво кемаларини ҳисобга олиш тартибини ўрнатиш бўйича ваколатли органни назарда тутади, шошилинч тиббий ёрдам, қутқарув операциялари, вазирликлар ва идораларнинг авиация потенциалидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик манфаатларида фойдаланиш, қуруқликдаги транспорт ҳаракати мониторингини юритиш, туризм соҳаси ва бизнес эҳтиёжларини қондириш учун аҳоли пунктлари устидан парвозларни амалга ошириш имкониятини қонуний равишда белгилайди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

ТЎХТАШ ЁКИ ТЎХТАБ ТУРИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАРИМА МИҚДОРИ КАМАЙТИРИЛМОҚДА

Маълумки, ўтган йили Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси 2018 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясида ва "Йўл харитаси"да белгиланган вазифаларнинг бажарилиш ҳолатини Наманган вилояти мисолида ўрганган эди.

Ўрганишлар давомида депутатлар фуқаролар, жамоатчилик вакиллари, хусусан, автоулов ҳайдовчилари билан мулоқотлар ўтказиб, соҳада ўз ечимини кутаётган қатор масалаларни аниқлади. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс моддаларида белгиланган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш ҳолатлари ва кўрилган маъмурий жавобгарликлар таҳлил қилинди. Кодексдаги йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги айрим ҳуқуқбузарликларга нисбатан жарималарнинг энг кам ёки энг кўп миқдорини белгилаш, яъни ҳуқуқбузарликни таснифлаш жараёнида коррупцион ҳолатларнинг келиб чиқишига имкон яратувчи мавҳум нормалар аниқланди.

Шундан келиб чиқиб, халқ вакиллари соҳадаги муаммоларни бартараф этиш, фуқароларга қулайликлар яратиш мақсадида "Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чоралари енгиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқди.

Мажлисда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган мазкур қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 54, 123, 141, 147-моддаларида назарда тутилган "энг кам" ва "энг кўп" миқдорда белгиланган жарималарнинг фақат энг кам даражаси қўлланилиши белгиланмоқда ва энг кўп даражаси кодексдан чиқарилмоқда.

Шунингдек, лойиҳада транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузганлик учун жарима миқдорини камайтириш белгиланяпти. Такроран содир этилган қоидабузарликлар учун жарима қўллаш нормалари чиқариб ташланмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши келгусида йўл-транспорт соҳасидаги қоидабузарлик учун жарималар белгилашда коррупцион ҳолатлар содир этилишининг олдини олиш, жарималар миқдорини айбдорлик даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш ҳамда зарур инфраструктура мавжуд бўлмаган ва мажбурликдан содир этилган қоидабузарликларга нисбатан жарималар миқдорини енгиллаштиришга хизмат қилади.

ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Депутатлар "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор этиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини атрофлича кўриб чиқдилар.

Лицензиялаш ва рухсат бериш соҳасидаги миллий қонунчиликни тизимлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳасида бир қатор муҳим нормалар акс этмоқда. Чунончи, унда лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг танқидий таҳлили асосида мазкур ҳужжатларни кескин қисқартириш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасига кўра, лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш фақатгина электрон тарзда ихтисослаштирилган махсус электрон тизим — "Лицензия" ахборот тизими, шунингдек, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилади.

Қонун лойиҳасида лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар электрон шаклда берилиши муносабати билан уларнинг дубликатини бериш, шунингдек, лицензия шартномасини тузиш институтини бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Талабгорларнинг лицензия ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги мурожаатини кўриб чиқишнинг соддалаштирилган тартиби ифодаланяпти. Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасида белгиланаётган муддат мобайнида ваколатли орган тегишли қарор қабул қилмаганда, талабгор белгиланган давлат божи ёки йиғим тўловини амалга оширгандан кейин махсус электрон тизим унга лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериши шарт. Бунда талабгор фаолият билан лицензиясиз ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз шуғулланганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Қонун лойиҳасида лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилишга оид ҳуқуқбузарлик учун юридик шахсларга нисбатан жарима қўллаш институтини жорий этиш назарда тутилаётгани қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди. Бунда юридик шахс жаримани бир ой давомида ихтиёрий тўлаган, шунингдек, амалга ошириш учун талаб қилинадиган лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисида мурожаат қилган ёки хабарнома юборганда, тайинланган жарима миқдорининг етмиш фоизи ундирилишига оид рағбатлантирувчи норма белгиланмоқда.

Таъкидлаб ўтилганидек, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш, ушбу соҳадаги қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш орқали ҳуқуқий тартибга солишни соддалаштириш ҳамда мамлакатда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилашга хизмат қилади.

Мунозаралардан сўнг, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

НОШИРЛИК ФАОЛИЯТИ: БИР ҚАТОР ИМТИЁЗ ВА АФЗАЛЛИКЛАР

Мажлисда депутатлар янги таҳрирдаги "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Қайд этиш жоиз, мазкур қонун лойиҳаси 2019 йилнинг 6 ноябрь куни Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган эди. Сенатнинг 2020 йил 11 май кунги қарори билан қонун рад этилганди.

Шу боис парламент қуйи палатасида қонунни ташаббускорларга қайтариш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Ўтган вақт оралиғида қонун лойиҳаси такомилига етказилиб, Қонунчилик палатасига қайта киритилди.

Унда соҳага оид бир қатор имтиёз ва афзалликлар кўзда тутилган. Жумладан, ноширлик фаолиятини лицензиялаш тартиби ўрнига хабардор қилиш амалиёти жорий этилмоқда. Шунингдек, лойиҳада бугунги кунда ноширлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнлари, замонавий инновацион технологиялар кенг тарқалган бир шароитда нашриётларнинг мақомини шунга мувофиқ тарзда белгилаш, уларнинг самарали иш юритишини қўллаб-қувватлаш учун зарур ҳуқуқий тартиблар, шарт-шароитлар белгиланган.

Қизғин муҳокамалардан сўнг депутатлар янги таҳрирдаги "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги қонунни қабул қилдилар.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

"Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоиз, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар муомаласи соҳасидаги муносабатларни комплекс ҳуқуқий тартибга солишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ўтган йили Қонунчилик палатаси мажлисида учта ўқишда кўриб чиқилиб, 15 сентябрда қабул қилинган ҳамда Сенатга юборилган эди. Парламент юқори палатаси кўмиталарида ўтказилган муҳокамалар жараёнида қонуннинг қатор моддаларига эътироз ва таклифлар билдирилиб, Сенатнинг 2020 йил 21 октябрдаги қарори асосида қайтарилган эди.

Шундан сўнг, билдирилган таклиф ва эътирозларга мувофиқ, ушбу ҳужжат Вазирлар Маҳкамаси топшириғига асосан манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан қайта кўриб чиқилди. Қонун лойиҳаси такомиллаштирилди. Хусусан, унинг боблари, бўлимлари ва моддалари мантиқий кетма-кетликда жойлаштирилди, шунингдек, қимматбаҳо металлар учун ҳисобга олиш нархларини белгилаш нормасига аниқлик киритилди.

Умуман олганда, лойиҳа билан қимматбаҳо металларнинг эркин муомаласи йўлга қўйилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари томонидан қимматбаҳо металларни тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчилардан ёки биржадан сотиб олиш имкони яратилмоқда.

Шу билан бирга, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар соҳасида давлат органларининг ваколатлари аниқ белгиланяпти. Бу қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш, истеъмолчилар ҳуқуқларининг кафолатланиши, ҳалол тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Айни чоғда лойиҳа қимматбаҳо металлардан ясалган буюмларнинг асиллик даражасини аниқлаш ва тамғалаш тартибини соддалаштиришни назарда тутади. Унга қимматбаҳо металлар ва тошларга эгалик ҳуқуқини назарда тутувчи нормалар киритилган бўлиб, бу қимматбаҳо металларга оддий товар сифатида қараш, тадбиркорлик субъекти ёки жисмоний шахслар ҳам уларга эгалик қилиш, ўрнатилган тартибда эркин тасарруф этиш имконини беради.

Зиёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи»).

СЕНАТОР ТАЛАБАЛАР УЧУН МАХСУС СТИПЕНДИЯ ТАЪСИС ЭТДИ

Ёшлар — давлатнинг бебаҳо стратегик ресурси, таъбир жоиз бўлса, "олтин фонди" ҳисобланади. Шу боис юртимизда баркамол авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бугунги ислоҳотларнинг энг устувор йўналишларидан бирига айланган. 2021 йил мамлакатимизда "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб эълон қилингани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Рағбат

Президентимиз Ўзбекистон ёшлари форумида "Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли, ушбу соҳаларда туб ислоҳотларни изчил амалга оширмоқдамиз", дея алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, келажагимиз эгалари замонавий билимларни ўзлаштириши, касб-ҳунар ўрганиши, ўз истеъдодини юзага чиқариши учун уларга таълимнинг барча босқичида зарур шарт-шароитлар яратиб бериляпти. Ушбу жараёнда давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳомийлар томонидан иқтидорли ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож навқирон авлод вакиллари моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келинаётгани эътиборга молик.

Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, сенатор Муртазо Раҳматов томонидан "Сенатор стипендияси" таъсис этилгани замирида ҳам эртамиз эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсади мужассам. Тошкент

давлат юридик университети 1-босқич талабаси Мадина Юнусова "Сенатор стипендияси"нинг илк соҳибаси бўлди. Яъни унга 2020/2021 ўқув йилида махсус стипендия олиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди.

— Конфуцийнинг шундай ҳикмати бор: "Агар сен халқингни бир йил боқмоқчи бўлсанг, буғдой эк, ўн йил боқмоқчи бўлсанг, дарахт кўкартир, асрлар давомида боқмоқчи бўлсанг, илм, билим эк", — дейди сенатор Муртазо Раҳматов. — Шу маънода, ислоҳотларнинг янги босқичида ўғил-қизларни билимли қилиш, уларга илм ўргатиш пайидан бўлинаётгани қувонарлидир. Ёшлар бамисоли ниҳол. Шундай экан, уларни яхши таълим-тарбия бериб, тўғри йўлга йўналтиришга барчамиз масъулмиз. Умид қиламизки, биз таъсис қилган стипендия қалбида билимга муҳаббат бўлган, катта ҳаёт остонасидаги изланувчан ва интилувчан фарзандларимизга ўзига хос кўмак ва рағбат бўлади.

Бухоро вилоятида туғилиб ўсган Мадинанинг ўтган йили энг катта орзуси ушалди. У Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига берилган имтиёздан фойдаланиб, давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. Айни пайтда Тошкент давлат юридик университетининг халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик факультетида таҳсил олмоқда.

— Давлатимизнинг биз, ёшларга алоҳида эътиборини, ғамхўрлигини ўз ҳаётим мисолида чуқур ҳис қилиб турибман, — дейди Мадина Юнусова. — Бунга жавобан халқимизга нафим тегадиган, эл корига ярайдиган етук ҳуқуқшунос бўлиб етишишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Сенатор Муртазо Раҳматов томонидан махсус стипендия таъсис қилиниб, ойма-ой тўлаб борилаётгани эса ўз устимда кўпроқ ишлаш, ўқиб-изланишга катта туртки бўлади. Бу ишончни ўз муваффақиятларим билан оқлашга ҳаракат қиламан.

Сенатор ва ёшлар учрашувида жамият ривожи, ижтимоий-иқтисодий соҳалар тараққиётда ҳуқуқшуносларнинг роли ҳақида ҳам сўз юритилди. Учрашув сўнгида сенатор талаба Мадина Юнусовага ўз муаллифлигидаги китоблар жамламасини ҳам совға қилди.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2021 йил 14 январь

БИР ЭМАС, ИККИ ЭМАС, УЧ ҚАДАМ ОЛДИНДА ЮРИШИМИЗ КЕРАК

Транспорт — давлатимиз иқтисодиётининг қон томири. Хўш, нима учун шундай? Умуман, транспорт соҳаси, деганда нимани тушуниш керак?

Албатта, бунда фақатгина муайян бир манзилдан маълум бир ҳудудга қатнайдиган темир йўлларни, автомобилларни ёхуд автомобиль йўлларини эмас, балки уни комплекс ривожлантириш масаласи ҳам ётади. Соҳада зарур инфратузилма ва шарт-шароитларни яратиш, сервисдан тортиб, хавфсизлик масалаларигача жиддий эътибор қаратган ҳолда ишни ташкил қилиш лозим. Буни биз эмас, шиддатли даврнинг ўзи тақозо этяпти.

Таълим

Яна бир энг муҳим йўналиш борки, бу — соҳада малакали ҳамда етук кадрларни тайёрлашдан иборат. Айни мана шу масалалар бизни бугун янада кўпроқ ўйлантиряпти, бу борада жиддий ўзгаришлар, ислоҳотлар қилишимиз кераклиги ҳаётий зарурат эканлигини ортиқча изоҳлашга ҳожат йўқ.

Бугунги кунда мамлакатимизда транспорт соҳаси учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини илғор хорижий тажриба ҳамда халқаро стандартлар асосида тубдан такомиллаштириш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Ўқув жараёнига ўқитишнинг инновацион шакл ва методлари, замонавий педагогик ҳамда АКТни кенг жорий этиш, шунингдек, тармоқ таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва илмий салоҳиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Бунда, табиийки, Президентимизнинг “Транспорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётир.

Мазкур ҳужжат билан Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ҳамда Тошкент давлат техника университетининг авиакосмик технологиялари факультети негизида Тошкент давлат транспорт университети ташкил этилди. Шу асосда олдимизга тўртта энг муҳим вазифа қўйилди.

Хусусан, транспорт соҳаси эҳтиёжларидан келиб чиқиб, меҳнат бозоридаги рақобатбардош олий маълумотли мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни, шунингдек, оммавий касб мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш, соҳа ривожига оид фундаментал, амалий ва инновацион изланиш ҳамда тадқиқотлар олиб бориш, қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, етакчи хорижий олий таълим ҳамда илмий муассасалар билан ҳамкорликни ривожлантириш, кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини яратиш, энг асосийси, ўқув жараёнида назарий тайёргарликнинг амалиёт билан узвийлигини, яъни интеграциясини таъминлаш масалалари шулар жумласидан.

Қарорда белгиланган вазифаларнинг ижроси жуда катта ютуқ олиб келади. Олдимизда Марказий Осиёда етакчиликни олиш масаласи турибди. Уни уддалаш учун бир ёки икки эмас, уч қадам олдинда юришимиз керак. Мўлжални баланд олдик ва шунга жавобан тинимсиз меҳнат қилишимиз лозим. Шу билан бирга, хорижий технологиялар трансфери жуда катта самара беришини инобатга олиб, бир қатор етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўймоқдамиз. Бу борада бугунги кунда Германиянинг бир қатор университетлари билан музокаралар олиб бориляпти.

«Транспорт дипломатияси» — хорижий ҳамкорликнинг муҳим мезони

Айтиш жоизки, темир йўл соҳаси бўйича илғор давлат ҳисобланган Хитойнинг энг нуфузли таълим муассасалари билан алоқаларни йўлга қўйишимиз керак. Улар ҳам биз билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканлигини билдиришмоқда. Ҳамкорлик, асосан, академик алмашув йўсинида, яъни бизнинг талабаларимиз у ердаги транспорт соҳасига тааллуқли нуфузли олий таълим муассасаларига бориб ўқиса, уларники бизнинг университетимизга келиб таълим олиши йўлга қўйилади.

Биргина мисол, Германиянинг “Deutsche Bahn” компанияси билан ўзаро мулоқот қилиб, битирувчиларимизни ишга жойлаштириш масалаларини ҳам кўриб чиқяпмиз. Бу янги ҳамкорлик нафақат таълим, илм-фан, балки талабаларга Европа мамлакатларида ишлаш имкониятини беради. Кейинги босқичда улар юртимизга қайтиб келиб ишласа, бу ҳам соҳа ривожида катта ютуқ бўлади.

Қолаверса, “Deutsche Bahn” компаниясининг Руминияда илмий-текшириш маркази фаолият юритади. Ана шундай марказни минтақамизда ҳам ташкил этиш масаласини ўртага ташладик ва бу борадаги музокараларимиз ўз самарасини беради.

Кейинги муҳим масалалардан бири, бу — авиация билан авиакосмик йўналишдаги ҳамкорликни тизимли йўлга қўйишдан иборат.

Тан олиш керак, бу борадаги ишларни “силжитиш”, яъни туртки бериш, ривожлантириш осон кечаётгани йўқ. Кўп йиллар давомида авиация масаласига аҳамият берилмай келганлиги шундай дейишимизга сабаб бўлди.

> Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган навбатдаги Мурожаатномасида илгари сурилган “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади” деган ғоя, ҳақиқатан ҳам, ҳаётийдир. Бизнинг университетга саккизта мактаб бириктирилган. Улар билан ҳамкорликда ёшларнинг нафақат тил ўрганишига, балки ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб камол топишига алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Шу боис ишни “Airbus” компаниясининг ҳамкори сифатида Тулузадаги Франциянинг фуқаролик авиациаси миллий мактаби (ENAK) билан соҳа бўйича алоқаларни ўрнатишдан бошладик. Ҳамкорлик юзасидан зарур ҳужжатларни имзолаб ҳам бўлдик. Оддий факт, агар талабаларимиз у ерда ўқиб, малака ошириб келса, халқаро сертификатга эга пилот сифатида ўз фаолиятини бошлаши мумкин бўлади. Бу ҳам катта имконият, талабаларимиз учун кенг йўл.

Ўз навбатида, авиакосмик масалаларга келадиган бўлсак, бу йўналишдаги изланишлар бўйича ҳам бугунги кунда зарур чора-тадбирлар кўриляпти. Италиянинг Ла Сапиенца университети билан келишувларга эришдик. Айнан бунда авиакосмик масалалар, яъни сунъий йўлдош, дрон, ракета ҳамда бошқа йўналишларда илмий тадқиқотларни олиб бориш вазифасига эътибор қаратилади.

Бундан ташқари, Россия, Хитой ва бошқа ривожланган мамлакатларда ҳам ҳамкорлик қиладиган университетларимиз кўп. Маррани юқори олдик, лекин унинг ортида жуда катта масъулият, меҳнат турибди. Бу борадаги ишлар бир-икки ойда бўлиб қолмайди. Шу йўналишлардаги тадбирларни янада жадаллаштириш учун университетимизда “Технопарк” қуриш масаласини ҳам йўлга қўйганмиз. Бу борадаги ташаббусларимиз Транспорт вазирлиги ҳамда бошқа тегишли идоралар томонидан ҳам қўллаб-қувватланди.

Бизнинг соҳада “транспорт дипломатияси” деган тушунча мавжуд. Хўш, “транспорт дипломатияси” ўзўзидан пайдо бўлиб қолмайди, қачон бунга эришамиз? Қачонки, хорижий ҳамкорликни тизимли йўлга қўя олсак, улар билан барча йўналишда алоқаларимизни кучайтира олсак, бунга эришамиз.

Умуман, юқорида санаб ўтилган хорижий олий таълим муассасалари ва корхоналари билан стратегик нуқтаи назардан ҳамкорлик қилиш биз кутган натижаларни бериши, шубҳасиз. Буларнинг барчаси таълим сифатини ошириш борасидаги улкан режаларимиз эди. Демак, фақат ва фақат олдинга интилиб, кўзланган мақсадларимизга эришиш учун бор кучимизни, салоҳиятимизни ишга соламиз.

Техникавий вазифа беришнинг ўзи ҳам мукаммал нарса

Эътибор қаратилиши лозим бўлган яна бир жиҳат, бу илм-фан билан боғлиқ. Бу борада ҳам яхши натижаларни қўлга киритиш учун, аввало, мукаммал режа, иш дастурлари бўлиши керак. Шундан келиб чиқиб, университетимизнинг аниқ вазифалари белгилаб олинган.

Назаримизда, илм-фан бугунги кунда шундай муҳим омилга айландики, бир томонда илм-фаннинг буюртмачиси сифатида вазирлик ҳамда идоралар, иккинчи томонда олимларимиз турибди. Яширишнинг ҳожати йўқ, илгарилари олимлар ўз йўналишлари бўйича изланишлар олиб борган, лекин реал иқтисодиётимизга бошқа изланишлар керак бўлган. Шу боис ушбу масалада ҳам ўзига яраша муаммолар юзага келгани бор гап.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, охирги йилларда олиб борилган илм-фан бўйича изланишлар ишлаб чиқаришдан анча йироқ. Керак ёки муҳим эмаслиги ўйланмасдан илмий тадқиқотлар қилингани ҳам ҳақиқат.

Шундан келиб чиқиб, ўзимизга вазифа қўйдикки, биринчи навбатда, транспорт соҳасига нима керак, деган масалани ўртага ташладик ва таҳлил қилдик. Бу борада илмий ёндашув нуқтаи назаридан вазирликлар ҳам тўғридан-тўғри жавоб беролмайдиган ҳолатлар мавжуд. Чунки илмий нуқтаи назардан ёндашишда нималарга аҳамият бериш кераклигини айтиш осон эмас. Яъни техникавий вазифа беришнинг ўзи ҳам мукаммал нарса. Биз мана шуни ўрганиб, соҳа ривожи учун нима зарурлигини билгандан кейин аниқ вазифаларни белгилаб олдик.

Президентимиз йиғилиш ва учрашувларда жамоат транспортини ривожлантириш ҳақида кўп тўхталиб, бунда бизнинг университетимизни доим қўллаб-қувватлаган ҳолда, аниқ вазифаларни, тараққиёт стратегиямизни ҳам белгилаб берди.

Четдан қараса, жамоат транспортини ривожлантириш аслида енгилдай туюлади. Лекин илмий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, бу жуда мукаммал ва мураккаб соҳа. Бунга мисол тариқасида туркиялик ҳамкорларимиз томонидан пойтахтимизнинг учта кўчаси, яъни 24 та чорраҳасида амалга оширилган ишларни келтириш мумкин. Шунинг ўзига бир йилдан ортиқ вақт кетган. Яъни бу соҳа оддий ижтимоий тадқиқотдан ташқари, атрофдан қанча транспорт кириб келиши, қанча аҳоли яшаши, таълим муассасаси борлиги, қанча уй, савдо шохобчалари ва бошқа объектлар борлиги ҳисоблаб кўрилиб, чорраҳалар режалаштирилади.

Бундан ташқари, келажакда нима бўлади, демографик вазият қандай ўзгаради, қандай қурилишлар амалга оширилади ва унинг коммуникацияси қаердан ўтади, деган масалалар ҳам чуқур таҳлил қилинади.

Энди шаҳарсозлик масаласи қанчалик масъулиятли жараён эканини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Бу ундан ҳам қийин, яъни аниқ таҳлилларни, аниқ ҳисоб-китобларни, илмий ёндашувларни талаб қилади. Биз бу борадаги ишларни айнан мана шундай масалаларни ҳал этишдан бошлашимиз керак ва дастлабки қадамларни қўйдик, десак, адашмаймиз.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Навбатдаги муҳим йўналиш, бу — нарх масаласи. Яъни бу борадаги ишлар қанчалик қимматга ёки арзонга тушади. Биргина мисол, автомобиль хавфсизлик белгиларининг ўзиям кўчаларга ривожланган мамлакатлардаги каби нормага нисбатан кам қўйилгани, ҳайдовчи йўлда кетаётган пайтда қайси томонга бурилиши ёки қанча юриши нуқтаи назаридан белгиларимиз йўқлиги, қаерда тўхташ мумкин ёки мумкин эмаслигини англатувчи белгиларнинг қайси жойда бўлиши кераклиги, қаерда бўлмаслиги зарурлиги каби муаммоларнинг борлиги ҳам тирбандликларга сабаб бўлмоқда.

Бу борадаги муаммоларни ҳал этишда, ўйлайманки, университетимизда очилган Интеллектуал транспорт тизимлари йўналишимиз муҳим ўрин тутади. Ушбу йўналишга ҳам талабаларимиз қабул қилиниб, улар бакалавр босқичида таҳсил олишяпти. Қолаверса, мазкур соҳа бўйича алоҳида ўқув-режаларимизни ишлаб чиқдик.

Кейинги бир муҳим йўналиш — темир йўллар тизимини олайлик, бунда ҳам айрим масалалар бор ва уларни ечиш мақсадида хорижий ҳамкорлар билан иш олиб борилаётир. Биргина темир йўллар соҳасидаги сертификациялаш масаласида Россия Федерацияси ва Беларусь давлатларининг тегишли олий ўқув юртлари ҳамда компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўймоқдамиз.

Лекин бу борадаги алоқаларимизни бундан-да ривожлантиришимиз керак. Буларнинг ўзи етарли эмас. Транспорт соҳасини такомиллаштиришга қаратилган илмий ишларимизни янада жадаллаштириш вақти келди. Бунинг учун эса бор имкониятларни ишга соламиз.

Илм-фан билан ишлаб чиқариш интеграцияси

Бугунги кунда энг муҳим бўлган ва давлатимиз раҳбари алоҳида эътибор қаратаётган масала, бу — илм-фан билан ишлаб чиқариш интеграцияси. Президентимизнинг тегишли қарори билан бизнинг университетимиз ташкил қилинганида олдимизга яна бир вазифа қўйилдики, бу ҳам бўлса, ҳафтасига бир кун талабалар ишлаб чиқариш объектларида бўлишлари шартлиги белгиланганлигидир.

Бу жуда керак. Тайёрланаётган кадрлар ўқиш билан биргаликда, ишлаб чиқаришда амалиётни ўтаб, қиладиган ишини кўзи билан кўриб, соҳасини тушуниб борса, бу нур устига аъло нур, дегани. Мазкур янгича ёндашув биз, жамият, замон талаб қилаётган даражадаги кадрларни етиштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, транспорт тизими корхоналари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатишни ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бу масала ҳал этилган. Ҳозирданоқ талабаларнинг эртага қаерга бориб ишлаши аниқ. Биз номигагина, хўжакўрсинга шартнома тузиб қўяётганимиз йўқ. Ишлаб чиқарувчи субъектлар билан келишган ҳолда, талабаларни амалиётга йўналтиряпмиз.

Биргина Олмалиқ кон-металлургия комбинатини оладиган бўлсак, у ерда логистика нуқтаи назаридан ҳам изланишлар олиб борилди. Логистикани тўғри йўлга қўйиш натижасида камида 15 фоизгача маблағ тежалишига эришилади. Бундай корхоналар бошқа вилоятларда ҳам йўқ эмас. Шунинг учун транспорт соҳаси ходимларига талаб жуда юқори. Буни нафақат темир йўл, балки автойўл соҳасида ҳам яққол кўриш мумкин.

«Зиёлилар кластери»ни ташкил этиш лозим

Охирги катта вазифаларимиздан бири, бу — “зиёлилар кластери”ни ташкил этиш. Оддий қилиб айтганда, кўп йиллар профессор-ўқитувчиларимиз фикр билдириш ёки ўз нуқтаи назарини ифодалашда фақат таълим тизими билан чегараланиб қолганини кўриш мумкин. Бу ҳамма университетларда бор ҳолат.

Шу нуқтаи назардан, хорижий ҳамкорлик, ўқув режаларни янгилаш, ишлаб чиқариш билан илм-фан интеграцияси бўладими, умуман, соҳани тубдан ўзгартиришда профессор-ўқитувчиларимиз зиммасида ҳам катта вазифалар турибди. Уларнинг дунёқараши ўзгариши, замон талаби асосида фаолият юритиши билан ўйлаган ютуқларга, марраларга эриша оламиз. Бизнинг университетимиз “зиёли кластери” билан ўзининг жамиятдаги ўрнини кўрсата олиши керак. Бу йўналишда ҳам қиладиган ишларимиз кўп.

Буларнинг барчаси бизнинг олдимизга жуда катта вазифаларни қўяди. Транспорт соҳасида учинчи Ренессансга эришиш учун нималарни амалга оширишимиз кераклиги ва бу борада жонимизни қийнаб бўлса-да, масъулият билан ишлашимиз кераклигини чуқур ҳис қиляпмиз. Бунда таълим-тарбия, илм-фан масаласи, “форсайт” масалалари турибди, буларнинг ҳаммасини университет сифатида комплекс ривожлантириш бўйича ўз режаларимизни, таклифларимизни ишлаб чиқиб, амалга оширсак, Марказий Осиёда етакчиликни эгалласак, учинчи Ренессансга илк қадамларимизни қўйган бўламиз.

Бу борада университетимизда ҳар бир кафедра бўйича стратегик йўналиш, қисқа ва узоқ муддатли режаларимиз, вазифаларимиз ишлаб чиқилган. Қўшимча тарзда шуни ҳам айтишим мумкинки, университетимизда хорижий тилларни, энг камида битта — инглиз тилини мукаммал билиш масаласига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Чунки халқаро авиацияда ҳам, малака ошириш жараёнларида ҳам инглиз тили жуда керак. Шу боис ўзимиз учун алоҳида таълим платформасини ишлаб чиқяпмиз. Бу тил билиш ва тил ўргатиш борасида олдимизга қўйган улкан мақсадларимизга эришишимизда қўл келади.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган навбатдаги Мурожаатномасида илгари сурилган “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади” деган ғоя, ҳақиқатан ҳам, ҳаётийдир. Бизнинг университетга саккизта мактаб бириктирилган. Улар билан ҳамкорликда ёшларнинг нафақат тил ўрганишига, балки ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб камол топишига алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Умуман, университетимиз олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишда, ўйлайманки, бизда барча имконият мавжуд, жамоамиз кучли ҳамда билимли, салоҳиятимиз ҳам етарли. Фақат ва фақат олдинга, юксак марраларни забт этиш йўлида тинимсиз меҳнат қилишимиз керак, холос.

Одил АБДУРАҲМОНОВ,
Тошкент давлат транспорт университети ректори.

Видеолавҳада кўринг

«НАФОСАТ» ТАДБИРЛАРИ

ХОРАЗМ ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ДАВОМ ЭТАДИ

Хабарингиз бор, 2020 йилнинг 20 ноябридан 20 декабригача бўлган муддатда Бухоро, Фарғона, Наманган вилоятларида “Нафосат” фестивали ўтказилди. Унда Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларидан соҳа мутахассислари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Унинг доирасида давра суҳбатлари, кўрик-танловлар ва бошқа оммавий тадбирлар уюштирилди.

Фестиваль

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида “Нафосат” фестивали доирасидаги яна бир давра суҳбати ҳамда очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда ёш дизайнерлар ва соҳа мутахассислари томонидан аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кийиниш маданияти тарғиботини ташкил этишга қаратилган мазкур тадбир хулосалари муҳокама қилинди. Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, университет профессор-ўқитувчилари, соҳа мутахассислари ва ёш дизайнерлар сўзга чиқди.

Мулоқот давомида етакчи ўзбек брендлари, кийиниш маданиятини миллий қадриятларимиз асосида тарғиб этиш, замонавий дипломатияда интеллектуал салоҳият ва юксак маънавий қиёфанинг муҳимлиги борасида маърузалар тингланди. Замонавий моданинг менталитетимизга мос янгиликларидан фойдаланиш, уларни миллий услубга мослаштириш, ишбилармон аёл имижи бўйича фикрлар билдирилди.

Таъкидланганидек, кийиниш маданияти инсон маънавиятининг ўзига хос кўзгуси бўлиб, кўп жиҳатдан шахснинг феъл-атвори, дунёқараши ва қадриятларидан далолат беради. Шу жиҳатдан халқимизга мос услуб барча замонда ҳам миллатимизга хос орасталик, камтарлик ва гўзалликка интилиш каби фазилатларни намоён этиб келган. Ушбу хусусиятлар, бугунги кунда, айниқса, долзарблик касб этаётир.

Миллий кийимларимиз ва урф-одатларимизнинг ўзига хос тарғиботчисига айланаётган фестиваль доирасидаги тадбирлар эндиликда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида давом эттирилади. Бу ҳақда тадбир ташкилотчилари томонидан маълум қилинди. Мазкур тадбирларда либослар кўргазмаси, турли танловлар ўтказилиши режалаштирилган.

Мунисхон КАРИМОВА
(«Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ 2020/2021 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ КАФЕДРАЛАРНИНГ ВАКАНТ (БЎШ) ЖОЙЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ирригация ва мелиорация кафедраси: *профессор, ассистент.*
Физика ва кимё кафедраси: *доцент.*
Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш кафедраси: *доцент, ассистент.*
Назарий ва қурилиш механикаси кафедраси: *катта ўқитувчи, ассистент.*
Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси кафедраси: *катта ўқитувчи.*
Тракторлар ва автомобиллар кафедраси: *катта ўқитувчи.*
Машиналардан фойдаланиш ва таъмирлаш кафедраси: *доцент.*
Умумтехник фанлар кафедраси: *катта ўқитувчи, ассистент.*
Технологик жараён ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш кафедраси: *доцент.*
Электротехника ва мехатроника кафедраси: *доцент.*
Ердан фойдаланиш кафедраси: *профессор.*
Геодезия ва геоинформатика кафедраси: *ассистент.*
Инглиз тили кафедраси: *ўқитувчи.*

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим:

— ариза (ректор номига);
— шахсий варақа (сўровнома);
— 3х4 см. ўлчамдаги 2 дона фотосурат;
— илмий ва услубий ишлар рўйхати (иш жойидан тасдиқланган шаклда);
— дипломлардан нусхалар;
— малака оширганлиги тўғрисида сертификат нусхалари (охирги 5 йиллик);
— паспорт нусхаси.

Аризалар эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддатгача қабул қилинади.
Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уйда жойлашган ТИҚХММИнинг ходимлар бўлимига мурожаат этишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 71-237-19-49, 71-237-09-85.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректорати ҳамда Касаба уюшмаси қўмитаси меҳнат фахрийси
Ҳасан ЭШМАТОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси жамоаси қўмитанинг юридик бўлими бошлиғи Қодирбек Мусаевга онаси
Баҳорой МУСАЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 148. 30 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 02.20 1 2 3 4 5 6